



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (11.170)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

Қасқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Машинасозлар» маҳалласи ёшлари иштирокида «Соғлом ақл — соғлом ҳаёт» мавзuida уюштирилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номи маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, ўқув курслари ҳамкорликларида уюштирилган «Очк дарс» тадбирида Баротхўжа маҳалласи ёшлари иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни шаҳримизда нодавлат нотариат жамоат ташкилотлари, солиқ инспекциялари вакиллари иштирокида ўтказилган давра суҳбатида нодавлат нотариат жамоат ташкилотлари ва солиқ инспекциялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

● **ЎТГАН** куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ташаббуси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, ҳуқуқшунослар иштирокида уюштирилган семинарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қонун устуворлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

● **ЎТГАН** куни шифокорлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман экология ва санитариянинг долзарб муаммоларига бағишланди.

● **ЎТГАН** куни «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти ва «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ҳамкорликларида шаҳримиз ҳудудида «Экология ва саломатлик кунлари» лойиҳаси дастури доирасида ўтказилган экологик ҳаширда Тошкент Давлат аграр университети, Тошкент педиатрия тиббиёт институти талабалари, «Камолот» ЁИХ фаоллари иштирок этишди.

● **ХАЛҚАРО** маданият қарвонсаройида танқиди ҳайкалтарош Аҳмад Шоймуродов асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

● **ТОШКЕНТ** Давлат аграр университетида олимлар иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Ёш олимлар кишлоқ ҳўжалик фани ва амалиётини ривожлантиришда етакчи куч» деб номланди.

● **БАДИЙ** академиянинг Марказий кўргазмалар залида иқтидорли ёш rassомлар асарлари кўргазмаси очилди. Ушбу тадбир 26 июнгача давом этади.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ПОЙТАХТИМИЗДА ҚАД РОСТЛАГАН ЁНЛАБ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА ЛИЦЕЙЛАР НАФАҚАТ ЎЗИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КўРИНИШИ, БАЛКИ ФАРЗАНДАРИМИЗНИНГ ПУХТА БИЛИМ ОЛИШЛАРИ, КАСБ-ХУНАР СИРЛАРИНИ МУКАММАЛ ЭГАЛЛАШЛАРИ, ЖИСМОНАН СОҒЛОМ БўЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИДАГИ МУХИМ ҲИССАСИ БИЛАН АЛОҲИДА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА. АЛБАТТА, БУНДАЙ БИЛИМ ВА ХУНАР МАСКАНЛАРИДА КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ КАМОЛ ТОПАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАМОҚ ЖОИЗ.

Бунёдкорлик

ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ БАЖАРИЛМОҚДА

Бу борада ана шундай қурилиш майдонларида бугунги кун талаблари асосида бунёдкорлик кўламини кенгайтириб, тез ва соз меҳнат қилаётган, қурилиш материалларидан, ҳар бир вақтдан унумли фойдаланаётган толмас кўлли қурувчиларнинг, тажрибали лойиҳа усталари ва изланувчан меъморларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Айни пайтда ана шундай масканлардан бири пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида қад ростлаётган 3 қаватли тиббиёт ўқув-даволаш коллежидир. Янги ўқув йилидан бошлаб хизмат кўрсатадиган ва 1200 ўқувчиға мўлжалланган мазкур коллежни ўтказилган тендер савдосида голиб топилган, бунёдкорлик ишларида 2002 йилдан буюн анчагина тажриба тўплаган «Бинокор» лойиҳа тейёрлаш ва қурилиш, таъмирлаш масъуляти чекланган жамоа уюшмаси қурувчилари бунёд этишмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, жамоа бунёдкорлари шаҳримиздаги Охунбобоев номи, Боровский номи тиббиёт коллежлари, Темирйўлчилар маданият саройи ва бошқа кўплаб биноларни бунёд этиш ва қайта қуриш ҳамда жиҳозлашда фаоллик кўрсатишган.

— Айни кунларда қурилиш объекти-мизда барча ишлар қизғин паллага кирган, — дейди бунёдкорлик участка-



си бошлиғи Қодиржон Отабоев. — Қурилиш-тиклаш ишларини муваффақиятли амалга оширган ҳолда ҳозирда асосий эътиборни пардозлаш юмушларига қаратганмиз. Қурилиш майдонида 200 нафардан зиёд, яъни 12 та бригадага бирлашган мохир усталар — турли касб эгалари ўз вазибаларини бекам кўст бажаришяпти. Айниқса, сифатни таъминлаётган Улуғбек Махаммадjonов, Мансур Каримов сингари электр пайвандчилар, гишт терувчи Турсунали Охунов, пардозловчилар Ҳожиакбар Тўлаганов, Олимжон Раҳмоновларнинг номларини таъкидлаш керак. Энг муҳими эса коллежни бунёд этишда кўшиқ қўйган ва қурилиш ишларида таъминлаётган сифатли қурилиш материалларидан унумли фойдаланди. Шунингдек, корхонамиз кўшида фаолият кўрсатаётган цеҳда тейёрланган алюмин ва алюмин пластик ром ва эшиклар ниҳоятда қўл келмоқда.



Коллежни «калит билан» усулида топширишни зиммаларига олган қурувчилар ўқув хоналарини, лабораторияларни керакли жиҳозлар билан таъминлашди. Шунингдек, 200 ўринли фаоллар зали, ёпиқ спорт зали, буфет ва

кутубхоналар ҳам талабга тўла жавоб бериши кўзда тутилган. Хуллас лойиҳада режалаштирилган барча ишлар бекам кўст бажарилади.

Жамоа бунёдкорлари ҳақида яна бир нарсани таъкидлаш керакки, улар ҳозирги кунда Чилонзордаги педагогика коллежини қайта реконструкция қилишда ҳамда божхона пунктини бунёд этишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқдаки, уларнинг ҳаммаси Республикамиз Мустақиллигининг 17 йиллиғи арафасида фойдаланишга топширилди.

Биз ҳикоя қилаётган тиббиёт коллежиде эса ҳадемай ободонлаштириш ҳамда кўламазорлаштириш юмушлари ҳам бошлаб юборилади. Сирасини айтганда эса сифат ва мустаҳкамлик асосий мақсади бўлган жамоа қурувчилари ўз сўзларини амалда кўрсатиш, ўйил-қизларға муносиб соғва тейёрлаш учун бор имкониятларини ишга солишмоқда. Бу ҳадемай коллеж жамолида ва у ерда таълим олиб, хунар эгаллайдиган талабаларға, уларға сабоқ берадиган педагог ва усталарға яратилган қулайликларда яққол акс этади. Бугунги ҳаракат ишнинг баракасини таъминлаётган экан, бунёдкорларнинг юзлари, албатта ёруғ бўлади.

Шарифа ИЛЁSOVA
СУРАТЛАРДА: участка бошлиғи Қодиржон Отабоев (ўртада) илгор қурувчилар Мухаммад Ҳожиакбаров ва Орифжон Раҳмоновлар билан; пардозловчи Ҳожиакбар Тўлаганов ўз ишини пухта бажаради.
 Ҳакимжон Солихов олган суратлар

КАСАНАЧИЛАР МИННАТДОР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 йил 5 январда қабул қилинган «ЙИРИК СНОАТ КОРХОНАЛАРИ БИЛАН КАСАНАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТЛАР ЎРТАСИДА КООПЕРАЦИЯНИ КЕНГАЙТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ГИ ФАРМОНИ ИШ БИЛАН БАНД БўЛМАГАН АҲОЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖАЛБ ЭТИШ, КАСАНАЧИЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ВА МЕХНАТ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА МУХИМ ОМИЛ БўЛМОҚДА.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманида ҳам мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 350 дан ортиқ касаначилик ўрни яратилди. Уларнинг аксарияти йирик саноат корхоналари, транспорт, алоқа ва қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Йил бошидан туман ободонлаштириш бошқармасига касаначилик асосида ишга олинган йигирма нафар хотин-қиз ўз уйида турли гул ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирмоқда.

— Илгари ҳам кўчат етиштириш билан шуғулланганим кўл келди, — дейди Рухсора Зиёмухамедова. — Буортмаларни тегиш жўрнал ва сифатли адо этилди. Президентимизнинг ўғушли фармониға асосан эндиликда ишлаган вақтимиз иш стажига ўтади, пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақалар тайинланади. Бундан биз, касаначилар фойт миннатдор-миз.

Х.САЛИМОВ,
 ўзА мухбири

шакллантирилгани ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Мазкур соҳаға иختисослашган йигирмадан зиёд журнал ва газета чоп этилиб, мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини химоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда.

Инсон ҳуқуқларининг турли жиҳатлари химояси масалалари бўйича ўзбек, рус, инглиз ва бошқа тилларда чоп этилган мингдан зиёд китоб, газета ва журналлар ва бошқа кўргазмалар воситалар ўрин олган.

Норгул АБДУРАИМОВА,
 ўзА мухбири

Фармон ва ижро

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КўРГАЗМА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШУ ЙИЛ 1 МАЙДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ Тўғрисида»ГИ ФАРМОНИ МАМЛАКАТИМИЗДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЮКСАК ҚАДРЛАНИШИНИНГ ЯНА БИР ЁРқИН ДАЛИЛИ БўЛДИ. МАЗКУР ДЕКЛАРАЦИЯ Ўзбекистон Республикаси МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН Кейин қўшилган БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТДИР.

Истиклол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий халқаро ҳужжатға қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтига асосий халқаро шартнома қатнашчидир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимо-

ий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли химоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрларида ўз ифодасини топган. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш механизмлари яратилган ва улар амалда самарали жорий этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича ташкил этилган миллий институтлар фаол иш юритмоқда.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Аввал хабар қилинганидек, МДХ норасмий саммитида иштирок этиш учун Санкт-Петербург шаҳрига келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.

● Санкт-Петербургдаги Константин саройида ўтказилган МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий учрашувида Президентлар Ҳамдўстликни иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилгача бўлган стратегияси лойиҳасини шакллантириш, гуманитар ҳамкорлик, МДХни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг Тошкент вилоятининг Ангрен ва Олмалик шаҳарлари ҳокимликлари томонидан қандай ижро этилаётганлиғи масаласи кўриб чиқилди.

● «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Тошкент шаҳар ҳокимлиғи билан ҳамкорликда «Туркистон» саройининг ёзги биносиде Бутунжаҳон атроф-муҳит кунига бағишлаб экофестивал ўтказди.

● Самарқанд шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари фольклор жамоалари ўртасида ўтказилган «Барҳаёт аъналар» фестивали якунланди.

● Ўзбекистон Миллий банки тасвирий санъат галереясида корейлик таниқли rassом Ли У Джанин «Ўзбекистон импрессионизми» номи шахсий кўргазмаси очилди.

● Нукус шаҳрида чевар хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтган «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан» номи кўрик-танловда 21 та маҳалладан вакиллар қатнашиб, миллий ва замонавий услубда тикилган либосларни намойиш қилишди.

● Гулистон давлат университетида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 166 та корхона ва ташкилот, 110 та кичик корхона ҳамда фермерлар ўзларининг 1712 та иш ўринлари билан қатнашдилар. Ярмаркада 1258 нафар ёш мутахассисға ишға жойлашиш учун йўлланма берилди, 150 нафар иш қидирувчи янги касбға тейёрланадиган бўлди.

● «Нуроний» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлинимаси ташаббуси билан бир гуруҳ фахрийлар Самарқанд шаҳрига зиёратға боришди.

● Қашқадарё вилояти Ёшлар марказида «Халқ ижодиёти поезди» фольклор-этнографик жамоаларининг вилоят бўйлаб ўтказилдиган учрашувлари режасидан ўрин олган навбатдаги тадбир бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилоятининг «Анор» халқ ашула ва ракс ансамбли М.Дарвишев номидаги аскиячилар ва қизикчилар жамоаси, Жиззах вилоятининг «Улан» лапарчилар ансамбли ҳамда Навоий вилоятининг «Сардоба» фольклор-этнографик жамоалари ўз санъатларини намойиш этишди.

ЖАҲОНДА

● Санкт-Петербургда 120 та мамлакат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган XII халқаро иқтисодий форум давомида 14,6 миллиард долларлик шартномалар имзоланди.

● Кеча АҚШнинг «Дискавери» шаттлининг икки нафар астронавти очик космосға сўнги бор чикиб, олти соат давомида барча носозликларни бартараф этиш юзасидан кенг кўламадаги ишларни тўлалиғича бажардилар.

● Украинаниннг Донецк шаҳридаги шахтада метан газининг портлаши натижасида беш киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди, 37 кишининг эса тақдирини номаълумлиғича қолмоқда. Сўнги маълумотларға кўра шахтани сув босиш хавфи пайдо бўлган. Ҳозирда қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда, портлаш сабаблари ўрганилмоқда.

● АҚШнинг марказий ва шарқий ҳудудларида юз берган кучли сув тошқинлари оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмди.

● Кеча Грецияда Рихтер шкаласи бўйича олти ярим баллик кучли зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди, 192 нафар аҳоли жароҳатланди, бир неча ўнлаб уйлар бутунлай вайрон бўлди.

● Афғонистон хавфсизлиғиға кўмаклашувчи халқаро кучлар харбий хизматчиларининг қўмондонини ўзгарди. Кобулда мамлакат Президенти Ҳамид Карзай иштирокида ўтказилган махсус маросим чоғида америкалик генерал Дэн Макнил ўз ваколатларини ватандоши генерал Дэвид Маккернанға топширди.

● Чукоткада олтин қазिशға иختисослашган фабрика фойдаланишға топширилди. Бу ушбу минтақада хорижлик инвесторлар иштирокида тузилган дастлабки кенг кўламли лойиҳалардан биридир. Ушбу корхона ўз лойиҳа қувватиға жорий йилнинг октябрь ойларида чиқади.

● Кеча Польшаниннг Зелена-Гура шаҳрида бундан йигирма йил муқаддам тўхтаб қолган машҳур замонавий кўшиқ фестивали қайтадан тикланиб, ўз ишини бошлади.

● Ҳиндистоннинг Фарбий Бенгалия штатида икки кеча-кундуз давомида тинимсиз чақмоқ чақини натижасида 13 нафар кишини яшин урганлиғи сабабли, улар ҳаётдан кўз юмишди. Маълумотларға кўра штатнинг учта маъмурий ҳудуди кучли момақалдирак ва жала остида қолиб кетган. Бунинг оқибатида биргина Нагпа шаҳрида беш нафар фуқаро ҳалок бўлган.

ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛИҚ ТАЪМИНЛАШДА, ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ЮКСАЛИШИДА ЮРТИМИЗДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ, ЧЕТ ЭЛЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН ҚЎШМА КОРХОНАЛАР САФИ ЙИЛДАН-ЙИЛГА ОРТИШИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.



Хорижий инвестициялар — иқтисодиётга ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР

Шундай корхоналардан бири «UZ-VBM» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси ҳамкорлар томонидан кўзда тутилган инвестициянинг киритилиши туфайли 2004 йилда ўз фаолиятини бошлаган. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси ташаббуси билан Россия давлати (Самара шаҳри)даги «Волгабурмаш» очик ак-

нефть, газ, тоғ-кон саноатида қўлланиладиган сифатли ва рақобатбардош бургулаш асбобларини ишлаб чиқармоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринлики, мазкур корхонанинг барча (23 турдаги) маҳсулотлари сертификатланган бўлиб, улар Ўзбекистон ва Россия давлатларининг етакчи синов марказларида синовдан ўтиши билан ажралиб туради. Масалан, жамоанинг МС-ГН R 64; С-415; ОК-ПВ R 527; ТКЗ-ПГВ-2007 каби турли русумли маҳсулотлари бемалол импорт ўрнини босди. Шу боис юртимиздаги йирик нефть-газ, кон-металлургия, кимё заводлари, акциядорлик компаниялари, корхона ва ташкилотлар ушбу қўшма корхонанинг доимий буюртмачиларидан ҳисобланади.



— Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси жуда бой ва хилма-хилдир, — дейди «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази эфир-мой, доривор ва буюкки моддалар лабораторияси мудирини Қажҳор Ҳожиमतов. — Юртимизда 4 минг турдан зиёд ўсимлик ўсади, лекин уларнинг озгина қисмигина урганган, холос. Ушбу гиёҳлар одамларга турли хасталикларга қарши курашда жуда фойда келтириши мумкин. Илм-фан соҳасида ўттиздан ортиқ муаллифлик гувоҳномаси ва патентга эга бўлган етакчи ботаник-олимни беҳиз «Гиёҳлар билан тиллашадиган» одам деб аташмайди. Унинг она-табиатидаги бўлган муҳаббати буви си Турсунной аядан ўтган. Жиззах вилоятининг кишлоқларида бирида яшаб ўтган Турсунной ая теваарак-атрофга гиёҳлар билан доловеччи табии сифатида танилган бўлиб, даргда даво бўладиган ҳар бир гиёҳнинг номи билан эди. Бувисидан эшитган ва урганганларини бир умрга эсда сақлаб қолган Қажҳор Ҳожиमतов ўз касбига меҳр кўйди. Самарқанд университетини тамомлагач, йўлларини буйича Тошкентдаги Ботаника институтига ишга келди ва бу ерда қарийб олим асрдан буён илмий изла-нишлар ярим бормоқда.

циядорлик жамияти ҳамда «Ўзбеккимё-маш» заводи негизда ташкил этилган ушбу қўшма корхона ҳозирда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур корхонанинг ишчи-хизматчилари—муҳандис-техник, тажриба-синов хизматининг етакчи мутахассисларининг барчаси Россия ва Украина давлатларидаги соҳа заводларида керакли тайёргарликдан ўтишган. Шунингдек, республикамизнинг етакчи ўқув юртилари, илмий-текшириш институтилари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишган. Ҳозирда корхона аҳли юртимизда

Самарали излашилар, фойдали лойиҳалар ишланмаларни амалга оширишда корхона тадбиркорлари ташаббус кўрсатишмоқда. Масалан, 2007 йилда ишлаб чиқаришга татбиқ этилган М-ГН R 03 русумли маҳсулот бошқаларидан фарқ қилиб, қатор афзалликлари билан миҳозларнинг эфирмоқда сазовор бўлди, боиси у анча мукамаллаштирилган ҳамда қўшимчалар киритилганлиги билан ажралиб туради. **Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА** **СУРАТЛАРДА:** қўшма корхона фаолиятдан лавҳалар

Илмий изланиш қирралари

ГИЁҲЛАР БИЛАН ТИЛЛАШИБ...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ «БОТАНИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА ИСПАНИЯДАН ХУШҲАБАР КЕЛДИ.

Унда Ўзбекистонлик таниқли олим, биология фанлари доктори Қажҳор Ҳожиमतовнинг иккита ишланмаси «Сифатли маҳсулот ва сервис учун» халқаро мукофоти-га сазовор бўлган айтилган эди. Ушбу хушхабардан олимнинг ҳамкасблари ҳам чин дилдан хурсанд бўлди. Чунки Қ.Ҳожиमतов танловда иштирок этиш учун ариза бермаган эди. Олим яратган шифобахш фитомасулотни сотиб оладиган чет эл компаниялари унинг сифатини синая кўриб, Мадридда ҳам муносиб баҳолаган бўлса, ажаб эмас. Нуфузли халқаро мукофотга сазовор бўлган маҳсулотлар орасида ХСД-яни Ҳожиमतовнинг сафро ҳайдайдиган дамламаси ҳам бор. Ушбу шифобахш дамлама бугунги кунда тиббиёт соҳасида гепатитга қарши курашда дунёда ўзига хос ва юқори самарали фитопрепарат ҳисобланади. Шунингдек, Қ.Ҳожиमतов томонидан яқинда яратилган ва қанди диабет, буйрак ҳамда ошқозонности беиз касалликларининг олдини олиш ҳамда даволашда қўлланиладиган препарат ҳам мукофотга лойик, деб топилди. Тарихида диабетга қарши хусусиятга эга биологик фаол бирикмалар бўлган ушбу гиёҳлар дамламаси қонда қанд микдорини камайтиради, ошқозонности беиз функциясини қайта тиклайди, артрит, камқонлик, буйрак касалликлари га чаалинган кишиларга ёрдам беради.

— Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси жуда бой ва хилма-хилдир, — дейди «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази эфир-мой, доривор ва буюкки моддалар лабораторияси мудирини Қажҳор Ҳожиमतов. — Юртимизда 4 минг турдан зиёд ўсимлик ўсади, лекин уларнинг озгина қисмигина урганган, холос. Ушбу гиёҳлар одамларга турли хасталикларга қарши курашда жуда фойда келтириши мумкин. Илм-фан соҳасида ўттиздан ортиқ муаллифлик гувоҳномаси ва патентга эга бўлган етакчи ботаник-олимни беҳиз «Гиёҳлар билан тиллашадиган» одам деб аташмайди. Унинг она-табиатидаги бўлган муҳаббати буви си Турсунной аядан ўтган. Жиззах вилоятининг кишлоқларида бирида яшаб ўтган Турсунной ая теваарак-атрофга гиёҳлар билан доловеччи табии сифатида танилган бўлиб, даргда даво бўладиган ҳар бир гиёҳнинг номи билан эди. Бувисидан эшитган ва урганганларини бир умрга эсда сақлаб қолган Қажҳор Ҳожиमतов ўз касбига меҳр кўйди. Самарқанд университетини тамомлагач, йўлларини буйича Тошкентдаги Ботаника институтига ишга келди ва бу ерда қарийб олим асрдан буён илмий изла-нишлар ярим бормоқда.

Қимматли доривор хомашёнинг фойдали хусусиятларини урганиш билан шуғулланадиган олимнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижалари турли хасталиклари даволашда қайси гиёҳлар қўл кели-шини аниқлашга ёрдам беради. Ҳожи- матов томонидан яратилган машҳур Самар-

қанд балъзами бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу балъзам шифобахш хусусияти учун Загребда ўтган халқаро кургаа- мада олтин медаль билан тақдирланган эди. Мисол учун, бугунги кунда кенг ре- клама қилинаётган Биттнер балъзамига ўхшаш ажойиб таъсирга эга «Туркистон» балъзами ҳам саховатли заманимизнинг экологик тоза худудларида ўсадиган ги- ёҳлардан тайёрланади — 23 хил гиёҳ ва мева ушбу қора рангли балъзамга ажой- иб таъм беради. Шифобахш «Орзу» ичим- лиги ҳам табиий маҳсулотлардан тайёр- ланган бўлиб, унинг асосини юртимиз- нинг кўп худудларида ўсадиган шток- атиргул ташкил этади. Унинг экстрати қандолатчилик ва озик-овқат саноатида ҳам хизмат қилмоқда. Олим Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганик кимё ин- ститутидаги ҳамкасблари билан биргалик- да ишлаб чиққан технология бўйича шток- атиргул экстратини ишлаб чиқариш ўлаштирилди. Бу республикамизнинг бой ўсимлик дунёсини урганиш илм-фан олдига қандай истиқболлар очиб бери- шга ёрқин мисолдир.

Доривор ўсимликшуносликни ривож- лантиришга, табиийлик, биринчи гада фармацевтика саноати ахтиёж сезади. Минг-минглаб одамлар саломатлигини асраб-авайлаш ушбу соҳа билан боғлиқ- лиги ҳеч кимга сир эмас. Қ.Ҳожиमतов бу борада самарали фитопрепаратларни ишлаб чиқиб, тиббиёт амалиётига жор- ий этмоқда.

Ўзбекистонда самарали доривор пре- паратларни етарли микдор ва турда и- шлаб чиқариш учун барча зарур шарт-ша- роит яратилган. Заминимиз ўсимлик-хо- машё дунёсига бой, бу ерда қучли ил- мий база, фармацевтика корхоналари ҳамда айрим институтилар ҳузурида таж- риба ишлаб чиқаришлари мавжуд. «Бо- таника» илмий-ишлаб чиқариш маркази- да очилган «SALVARE» масъулияти чек- ланган жамият шулардан биридир. Бу ерда қўлаб янги доривор препаратлар, шу жумладан, халқаро мукофотга сазо- вор бўлган ХСДни ишлаб чиқариш ўлаштирилди. Бир неча кун ичида бе- морнинг ахволини яхшилаш, буйрак ва касалланган бошқа органлар функцияла- рини қайта тиклашга қодир ушбу дамла- ма бир қанча гиёҳлардан тайёрланган. «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш мар- казида Боткин касаллигига қарши кура- шада шифокорларга қўл келатган препа- рат ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу препа- ратни ишлаб чиқариш учун эса табиий захиралар етарли.

Бутун ҳаётини мамлакатимиз илм-фани ривожига бағишлаган Қ.Ҳожиमतов бугун етмиш ёшдан ошган бўлса-да, ҳали қуч- вуватга тўла. Олим одамлар дардига шифо бўладиган доривор препаратларни яратиш устида тинимсиз ишланмоқда. **Л.СТРУННИКОВА,** **ЎЗА МУХБИРИ**

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

• Англияда бильярд энг оммавий ўйинлардан бири ҳисобланади. Айтишларича, бу ерда бильярдни 300 йилдан буён ўйнашар экан. Албатта, вақт бу қадимий ўйинга ҳам ўзгача янгиликларни киритган. Масалан, Кент деган шаҳарда жуда катта аквариум қурилган бўлиб, унинг ости бильярд ўйнаш учун махсус безатилган. Бу ерда ашаддий ўйинчилар бир-бирлари билан ҳеч қаярда учрамайдиган муҳитда беллашишлари мумкин. Шу билан бирга улар жисмоний жиҳатдан пухта ҳозирланган бўлишлари керак. Чунки ўйинчилар оғир акваланг кийиб ҳаракат қилишлари лозим.

• Одам ирсиятидаги деярли сезиларли ўзга- риш ҳам қутилмаган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Геншунослар фани тадқиқотчиларининг қатор излашилари бунга яққол далил бўла олади. Хусусан, европаликларда учраётган генлар тизимининг озгина бошқача тус олиши уларнинг иккинчи тур қанд диабетига хасталигига чалиниши хавфини қучайтирар экан. Демак, инсон генлари тизими ўзгармагани дуруст экан-да.

• Дори ичи эсингиздан чиқмасин. Францияда яратилган бу қурилман «чўткака солиб юриш мумкин. «Пилл метор» деб номланган бу қурилма ўз вақтида дори ичтини эсга солиди. Унинг рақамли экранидо соатниқига ўхшаш миллилар бор. Уша миллилар керакли вақтида асбобни 60 дақиқа давомидо кўнғироқ қалдиради. Шу билан бирга қайси дори ичи кераклигини ҳам ўзи тақриф этади. Унда иккита бўлма жойлашган бўлиб, икки хил дори солиш мумкин. Асбоб батарея ёрдамида ишлайди.

• Яқинда «Британия тиббиёт журналі» ўтказилган қизиқарли тажрибаларнинг натижасини эълон қилди. Аниқланишича, кўпчилик шифокорлар тушуниб бўлмайдиган даражада ёзишар экан. Бундай илмий текшириш олиб боришини сабаби, беморнинг ўсиб бораётган ташвишлари бўлди. Тушунарсиз тарзда ёзилган дори қозоғларини ҳатто дориҳоналарда ҳам ўқишолмайти. Юзлаб шифокорлар ўзларининг исмлари ҳамда 26 та лотин ҳарфи ва рақамлари ёзилган анкетани тўлдиришлари, шу билан бирга ўзларининг ҳаттоликларини намоийш этишлари керак эди. Лекин шунга қарамай махсус компьютер дастури орқали ҳам баъзи бир ҳарфни аниқлашининг имкони бўлмади. Аммо рақамлар хусусида бу фикр- ни айтиб бўлмайди, чунки уларнинг ҳаммаси аниқ эди.

• Бирма давлатида қалати тартиб жорий этилган. Яъни бу мамлакатда ҳар бир фуқаро компьютар масаласида қадамини ўйлаб босади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор албатта. Чунки компьютарни давлат рўйхатидан ўтказмай фойдаланган кимса оз эмас, кўп эмас 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади.

• Японияда император буйруғи билан мактаб ўқув дастурига қизиқ бир ўзгариш киритилди. Яъни ҳар бир синфда сузиш бўйича машғулот ўтказилиши мажбурий тарзда белгилаб қўйилди. Аниқ қилиб айтганда, ҳар бир ўқувчанинн география, математика, тарих каби фанлар қатори сузиш бўйича ҳам мажбурий таълим олиши белги- ланади.

• Дунёда энг катта қироллик оиласи Саудия Арабистонида экан. Қироллик оиласида бор-йўғи 4 минг 200 та шохиналар бўлиб, яқин қариндошлар эса оз эмас, кўп эмас, «атиғи» 40 минг на- фарни ташкил этар экан. Мана бу кўрсаткич оиланиннг Гиннеснинг Рекордлар китобига киритилишига тавсия қилинган.

• Американиннг Пенсилвания штатида исти- қомаат қилувчи жаноб Рандел ўз буйрагини оғир хаста бўлган қизига қўчириб ўтказишни ҳар қанча илтимос қилмасин, шифокорлар бунга мутлақо рози бўлмадилар. Сабаби, унинг вазни 130 кило- грамм эди. Бундай вазнда эса аъзоларни қўчи- ририб ўтказиш мутлақо таъқиқланган. Шунда Рандел семизликни қўй қўтиради, деб ўзининг ор- тиқча вазини камайтиришга аҳд қилди. У хар куни велосипедда сайр этар, ҳовузда сузишни сира қанда қилмасди. Ёгсиз товуқ гўшти ва саб- завотлардан бошқа маҳсулотларни истеъмол қил- май қўйди. Орадан ярим йил ўтгач шифокорлар операцияга рози бўлишди. Чунки гамхўр ота рол- па-роса 40 килограммга озганди.

• Немисларнинг асаби ўта таранглиги кўпчи- ликни ажаблантириши табиий. Ҳўш, бунга сабаб нима? Ўтказилган сўров натижаларига кўра, ак- сарият немислар кўчаларда ва дам олиш жойла- ридаги чиндилардан асабиллашади. Кейин эса савдо ходимларининг зарур даражада хуш- муомала эмаслиги, автоматбилларнинг йўлларда ҳаддан зиёд тўпланиб қолиши, супермаркет кас- саларидаги навбатлар, йўлларда турли реклама тасвирларининг ҳаддан зиёд қўлиғи ҳам немис- ларнинг гашига тегар экан. Ҳа, ҳақиқатан ҳам бу- лар асаб бузилишига арзийдиган муаммолардир.

• Хиндистон ва Канада олимлари она сутининг аллергия касалликлари га қарши курашувчи воситалардан бири эканлигини қайд қилишди. Чақалоклар икки гуруҳга бўлиниб, буларнинг бири она сuti билан, иккинчиси эса сигир сuti билан боқилган. Организмдаги ўзгаришлар ўрганилиб борилар экан, она сuti эмган болаларнинг ҳам- маси бўлиб саккиз фоизи, сигир сuti эмган бо- лаларнинг эса салкам 80 фоизи аллергия касал- ликларга учраши мумкинлигини тажрибаларда ис- ботлашди.

• Япон олимлари мамлакатда автомобиллар қўнайиши натижасида диабет касаллиги ортган- лигини қайд қилишди. Бу ҳаракатсизлик, яёв юр- маслик, юк кўтармаслик ва шу каби бошқа иш- лардан овоз бўлиш сабабли деб топилди.

• Мамлакатда вақти-вақти билан ёқилги тан- қислиги қучайиб машиналарда юриш камайган пайтларда диабет касаллигининг камайиши юқоридаги фикримизга далил бўлади. Япон ши- фокорлари ҳам фаол ҳаракат билан диабетнинг тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини кўп тажриба- ларда исботлашди.

ЮРТ МАНЗАРАСИ ЁШЛАР НИГОҲИДА

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОН САРОЙИДА «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА «БУ ЗАМИН — МЕНИНГ ВАТАНИМ» МАВЗУИДА КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ.

Тадбир Ўзбекистон Бадий академияси Камалиддин Бехзод номидоги Миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими, «Экосан», «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармалари, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди. Ёш авлодга чуқур ва пухта билим бериш баробарида уларни она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, истеъдоди- ни рўбёга чиқариш таълим соҳасидаги ислохотларнинг пирова- рд мақсадидир.

«Бу замин — менин Ватаним» кўрик-танловидан кўзланган асо- сий мақсад Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихи, ўзига хос маданияти ва санъати, урф- одатлари, қадриятлари, истиқ- лол йилларида эришган улкан ютуқларимиз, ёшларнинг таби- атга бўлган муносабатини тас- вирий воситалар орқали ифода- лашга яқиндан кўмаклашидан иборатдир. Камалиддин Бехзод номидо- ги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг барча талабалари фаол иштирок этган ушбу танловга ёш ижодкорлар тасви- рий, амалий, дизайн санъати- нинг кўлаб жанрлар ва услуб- ларидаги асарларини тақдим эт-

дилар. Гран-при Хуршид Иброҳи- мовга — «Зиё маскани» ва «Тун- ги Тошкент» асарлари учун, би- ринчи ўрин Мария Сизганова- га — «Икким ўзгаришлари» мав- зуидаги плакатлар тўплами учун берилди. Иккинчи ўринга Ма- ррат Қосимов — «Менин кишло- ғим» расми, Елена Комарова миллий кулполчилик буюмлари учун сазовор бўлди. Учинчи ўринга Шухрат Машрабов — «Мен туғилиб ўсган юрт», Ар- слон Меликулов — «Эски шаҳар», Фаррух Атоев — «Буюк шахрим» мавзуидаги расмлари учун лойик топилди. **Назозат УСМОНОВА,** **ЎЗА МУХБИРИ**



ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

СОТУВЧИ ВА МИЖОЗ ЎРТАСИДАГИ ОЛДИ-СОТДИ МУНОСАБАТЛАРИ «ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ТАЛАБЛАРИ ДОИРАСИДА КЕЧМОғИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ. АГАР ШУ МУВОЗАНАТ БУЗИЛАДИГАН БЎЛСА, ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ЗИДДИЯТ КЕЛИ ЧИҚИШИ, ТАБИЙ. ҚҲҲИДА СИЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛИК БОРАСИДАГИ ҚОНУН ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШНИНГ ОҚИБАТЛАРИ БИЛАН ЯҚИНДАН ТАНИШАСИЗ:

Собир Раҳимов тумани, Чимбой кўчаси, 1-уйда истиқомат қилувчи О.Собиров шахримиздаги «LG» савдо дўконидан 1.148.000 сўмлик компьютар харид қилган. Ўзининг сифат кафолатини оқлай олмаган компьютар дўкон мутасаддилари томонидан бепул, сифатли таъмирлаб берилган.

чи Л.Маждидов «LG сервис» устaxonасига 5590.000 сўмлик «LG» телевизорини таъмирлатиш учун топ- ширади. Аммо устaxonа маъмурлари телевизорни таъмирлаш ишларига лоқайдлик билан қарайди- лар. Ҳозирда тегишли ташкилот аралашуви билан истемолчи га тегишли телевизор сифатли таъмир- лаб берилган.

Сергели тумани, Ўзгариш даҳаси, Салоҳидди- нов кўчаси 13-уйда яшовчи В.Садриева «Санарк- редит» савдо дўконидан 350.000 сўмлик газ плитаси харид қилган. Аммо истеъмолчи томонидан ишлатиб кўрилган газ плитаси носозлиги боис ян- гисига алмаштириб берилган.

Мирзо Улуғбек тумани, Геология кўчаси 6-«А» уйда жойлашган «Дархон-3» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қ.Мирнеғматов шикоят хати билан муружаат қилган. Унда баён қилинишича, маҳалла худудидаги мавжуд қувурлар носозлиги туфайли исрофгарчилик бўлмоқда. «Сувсоз» трести билан ҳамкорликда олиб борилган ишлар натижаси ўлароқ маҳалла фуқароларининг истеъмолчи сифатидаги талаби қондирилган.

Мирзо Улуғбек тумани, шимолий-шарқ 2-мавзе- си, 2-уй, 76-хонадонда истиқомат қилувчи Д.Три- фанкина Навой ярмаркасидаги хусусий тадбир- кор Ф.Усмоновга тегишли «Techno market» савдо дўконидан 605.000 сўмлик музлатгич харид қил- ган. Бироқ сотиб олинган маҳсулот сифатсиз чиқ- қанлиги боис унинг бепул таъмирдан чиқарилиши таъминланган.

Юнусобод тумани, 7-мавзе, 6-уй, 7-хонадонда яшовчи А.Теплоухова Навой ярмаркасидаги хусусий тадбиркор Р.Юнусўжаевга тегишли «SAMSUNG SERVIS» савдо дўконидан «Атлант» русумидаги кир ювиш машинасини 593.000 сўмга харид қилган. Лекин сифат кафолатини оқлай олмаган кир ювиш

машинасига сарфланган маблағ истеъмолчи талабига кўра, қайтариб берилди.

Чилонзор тумани, 21-мавзе, 14-уй, 2-хонадонда истиқомат қилувчи Е.Рухининг хонадонидо теле- фон тармоғи билан боғлиқ носозликлар бартараф этилган.

Сергели тумани, «Дўстлик-2» мавзеси, 34-уй, 6-хонадонда яшовчи Р.Сабирьянова хусусий тадбир- кор Д.Мусаевга тегишли «Милинум» савдо дўкони- дан 515.000 сўмга харид қилган «Индицит» русу- мидаги музлатгич сифатсиз чиққанлиги боис 807.000 сўмлик «Аристон» музлатгичига алмашти- रिб берилган.

М.Улуғбек тумани, ТТЗ-2-мавзеси, 26-уй, 40-хо- надонда яшовчи Н.Закуржана хусусий тадбиркор Р.Халиловага тегишли мебель тузатиш устaxonасига буюртма берган. Аммо буюртма сифатсиз ба- жарилган. Ҳозирда томонлар ўртасидаги низолар бартараф этилиб, истеъмолчи га етказилган бир ярим миллион сўмлик моддий ва маънавий зарар ундириб берилган.

Хурматли ҳамшаҳарлар ва шахримиз меҳ- монлари! Сиз харид қилган маҳсулотларда ҳам носозликлар сезилса, Тошкент 100185, Халқлар дўстлиги кўчаси, 23-уй манзилига муружаат, (998712) 276-90-46, факс: 276-89-35 телефон- ларига қўнғироқ қилинг! Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқлари- ни ҳимоя қилиш худудий бирлашмаси тақдим этган маълумотлар асосида **Хидирали ПАНЖИЕВ** тайёрлади.

2008 — Ёшлар йили



Ижтимоий лойиҳалар

ҲАР БИР БОЛАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда 2007 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб "Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим" гранти лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ноғирон ва имконияти чекланган болалар кўпинча жамият ҳаётидан четда қолади. Улар ташқи кўринишлари бошқаларникига ўхшамаслигидан тортиноқлик ҳиссиётлари юзага келиши сабабли ўйларидан чиқмаслики афзал кўрадилар. Иккинчи ҳолатда эса болалар махсус мактаб-интернатларида таълим-тарбия олиш учун юборилдилар. Бу ҳолатда бола учун етарли шароит яратилса, лекин унда тўлдирилмаган камчиликлар мавжудлигича қолаверади. Аммо бола ҳақиқатан ноғирон бўлса, уни соғлом руҳда тарбиялаш, ҳеч қимдан кам бўлмаган шароитда ўқитиш, ўқигаги имкон яратиш мумкин. Айтиш жоизки, шахсни "ушлаб турган" мажруҳлик эмас, балки жамият унга қай йўсини да муносабат кўрсатишидир. Мана шу фикрлар асосида "Имконияти чекланган болалар учун умумий таълим" гранти лойиҳаси имклюзив таълим жараёни йўлга қўйди. Унга кўра махсус мактаб-интернатларида таълим олаётган ўқувчилар орасидан истовчилар ўзи ва ота-онаси розилиги билан умумтаълим мактабларида билим олишига юборилмоқда.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Осие тараққиёт банкнинг гранти маблағлари ҳисобидан ташкиллаштирилди. Лойиҳада ҳозирча Тошкент шаҳри ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги таълим муассасалари иштирок этмоқда. Хусусан, 6 тадан (2 тадан махсус ва 4 тадан умумтаълим мактаблар), — жами 18 та таълим муассасалари "Биродарлашган мактаблар" сифатида қатнашишмоқда. Лойиҳада, шунингдек 160 нафар им-

конияти чекланган болалар иштирок этишмоқда.

"Зиё", "Умид", "Имкон" нодавлат ташкилотлари лойиҳани қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширишмоқда.

Инклюзив таълим жараёнида, жумладан, Тошкент шаҳри бўйича 100-таъин ва ҳаракат аъзолари шикастланган болалар Республика мактаб интернати ва 102-кар болалар учун мактаб интернати ҳамда 224, 46, 249, 278-умумтаълим мактаблари ҳамкорлигида ишланмоқда.

Албатта, мактабларда янги, инклюзив таълимни йўлга қўйиш учун, аввало, ўқитувчилар бунга тайёр бўлишлари, инклюзив ўқитишнинг моҳияти, усулларини амалга оширишлари керак. Шу йил 24 мартдан 3 апрелгача А. Авлоний номли малака ошириш институтида машғулот тренинглари бўлиб ўтди. Бунда, Тошкент шаҳри бўйича лойиҳада иштирок этаётган умумтаълим мактаблари ўқитувчилари қатнашишди. Ун кун давом этган тренингда ўқитувчилар инклюзив таълим жараёнида болаларни қандай усулларда ўқитиш, ўқувчилар эҳтиёжларини англаш ва уларни қондириш борасида халқаро стандартларни ўрганишди. Машғулот австриялик халқаро йўналишида инклюзив таълим бўйича тренер Роберт Кройс томонидан олиб борилди. Биз инклюзив таълим тўғрисида янада кўпроқ маълумотларга эга бўлиш учун Роберт Кройсни суҳбатга тортидик.

— **Инклюзив таълим деган атама ва унинг моҳияти биз учун аниқлик. Унга чуқурроқ изох берсангиз.**

— Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Ноғирон шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги" декларациясида "Ноғиронликнинг келиб чиқиши қандай бўлишидан қатъи назар, фуқаро ўз

"8 йил ўзим каби жисмонан носоғлом, ноғирон болалар билан ўлғайдим, таълим, тарбия олдим. Махсус интернат мактабимизда ҳар бир бола учун етарли шароит бор. Биз меҳрибон тарбиячилар назоратида соғлом болалар сингари дарсларга, тўғрақларга қатнашардик. Аммо мен учун нимадир камдек туюларди. Тўғрида, тонгда кўзингни очиб қараган биланок, бутун кун давомида нималар билан шуғулланишинг аён. Менинг ҳам, дўстимнинг ҳам кун тартиби бир хил. Шанба, якшанба кунлари ота-онам бағрига борганимда соғлом тенгдошларим бошқача ҳаёт тарзига эга эканликларини кўриб, ҳавасим келарди. Менинг энг катта орзуим оддий мактабда, соғлом болалар билан ўқиш эди. Мен бугун орзуимга етдим."

Кудрат Муталов
9-синф ўқувчиси

ёшидаги тенгдошлари билан бир хил ҳуқуқларга эга", дейилади. Бугунги кунда, бу тун жонда инклюзив таълим йўлга қўйилган. Бунга кўра махсус эҳтиёжлари мавжуд бўлган болалар учун оддий мактабларга бориш имкони яратилади. Бола жисмонан имконияти чекланган бўлса, унда алоҳида қобилият, интеллуванчилик бўлиши мумкин. Ва бу унинг жисмоний заифлигини тўлдирди. Оддий болалар билан ўқиш унинг руҳиятига икжобий таъсир кўрсатади.

— **Имконияти чекланган болалар оддий умумтаълим мактабларига қандай мослашадилар. Бу улар учун қийинчилик тугдирмайми?**

— Йўқ, қийинчилик тугдирмайди. Аслида, инклюзив таълимга ўтиш бир неча босқичларда амалга оширилади. Биринчи босқич, мактабни мослаштириш. Яъни, мактаб шароити ҳар бир боланинг жисмоний ва руҳий ҳолатига мослашиши керак. Масалан, таянч ва ҳаракат аъзолари шикастланган болалар учун қўлай қилиб-тутиши йўлакчалари, парта-лар бўлиши керак. Синфхона, охиона ва бошқа жойлар барча махсус эҳтиёжи бор болалар учун қўлай қилиб қўрилган бўлиши лозим. Шунингдек, эшитмайдиган болалар учун эшитиш мосламалари, кўрмайдиган болалар учун катталаштирувчи ойналар, махсус курсилар, ўқув қуроллари зарур. Бир сўз билан айтганда, мактаб болаларнинг турли камчиликлари тўғрисида оладиган даражада бой-тилиши керак. Кейинги босқичлар бу — ўқитувчиларни тайёрлаш. Инклюзив таълимда индивидуал ўқитиш жуда муҳим. Яъни, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг эҳтиёжлари, лаёқати ва камчиликларини яхши билиб олиши керак. Шунга бинона у дарс давомида ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланади. Ўқитувчилардан ташқари умумтаълим мактаб ўқувчилари ҳам бу жараён моҳиятига тушуниб етишлари ке-

Тиббиёт

БИРИНЧИ ЎРИН СОҲИБИ

ЎЗБЕКИСТОН МОРФОЛОГЛАР УЮШМАСИ ТОМОНИДАН УЮШТИРИЛГАН ЁШ ОНКОЛОГЛАР РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ГОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ.

Ушбу билим, тажриба ва маҳорат кўриги одам анатомиясининг мураккаб жараёнларини ўрганиш билан шуғулланаётган морфолог фаани ривожидан ёш мутахассисларнинг тугган ўрни муҳим эканлигини яна бир бор намоён этди.

Зеро, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган бу танловда республика онкология илмий маркази аспиранти Муҳайё Исmoilова фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Унинг «Нураниш ташхисни такомиллаштириш» деган мавзудаги тадқиқотининг муҳим аҳамиятига эга эканлиги кўрсатиб ўтилди.

ҲАМКАСАБАЛАРГА НАМУНА

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЖАРРОҲЛИК МАРКАЗИДА ЎЗ КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАБ, БОЙ ТАЖРИБА ОРТИРАЁТГАН ТИББИЙ ҲАМШИРАЛАРИ КЎПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. НОДИРА АБДУТОЛИПОВА, АНЯ ШЕВЕЛВАЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

Бир неча йилдан бери фаол меҳнат қилиб келаётган бу моҳир шифокорлар ўз вазифаларини аъло даражада адо этиб келишмоқда. Халқаро ҳамширалар куни муносабати билан умумтаълим тақдирландилар. Чиндан ҳам Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Соғлиқни сақлаш аълочили» кўрак нишони билан мукофотланган бу иқтидорли ёшлар фаолияти ҳамкасбаларига ўрناк бўлмоқда.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

АҲОЛИГА ТЕЗКОР ТИББИЙ ЁРДМ КЎРСАТИШ ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР АСОСИДА УЮШТИРИЛМОҚДА. КАТТАЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ТЕЗ ЁРДМ МАРКАЗЛАРИДА ҲАМ БОЙ ТАЖРИБАЛАР ОРТИРИЛМОҚДА.

Ҳозир Тошкентда катталар саломатлиги билан шуғулланувчи станцияларда 700 дан ортик ўрин бўлиб, шулардан 48 таси реанимация муолажаси билан шуғулланмоқда.

Тиббиётнинг ана шу муҳим тармоғи фаолиятини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг янги буйруги чиқарилди.

Санъат

МАРКАЗНИНГ ИБРАТЛИ ИШЛАРИ

ЎЗБЕК—ЯПОН ИЛМИЙ ИЖОДИЙ МАРКАЗИГА «ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИ» ДЕГАН МАҚОМ БЕРИЛГАНИГА ТЎРТ ЙИЛ БЎЛДИ.

Бу юк ипак йўли аънаналарини қайта тиклаш мақсадида ташкил топган мазкур илм-фан даргоҳи Ўзбекистон билан Япония мўйқалам усталари ўртасидаги ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир қатор ибратли ишларни олиб бормоқда.

Унинг кўргазма зали экспонатларга бой. Ипак йўли тарихи этнографияси ҳақида ҳикоя қилувчи нашрлар; туш ва қоғоз ўрамага ишланган расмлар ҳам кўзга яққол ташланади.

ДИЁРИМИЗ МАФТУНКОРИ

АТОҚЛИ МЎЙҚАЛАМ УСТАСИ ПАВЕЛ БЕНЬКОВНИНГ БУТУН ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ СЕРКҮЁШ ЎЛКАМИЗДА КЕЧДИ.

Козон шаҳрида туғилган истеъдод эгаси 1928 йилда қисқа муддат билан республикамизга келиб умрбод шу диёрда қолди.

Унинг қатор полотнолари Бухоро туркумидаги асарларни ташкил этади. «Бухоро бозори», «Чойхона» каби асарлари қўллаб кўргазмаларда намойиш қилинди.

Қадимий ва гўзал Хива манзаралари ҳам унинг мўйқаламида жозоба бахш этди. Устоз санъаткорнинг Ўзбекистонга келиб ижод қилаётганлигига 80 йил тўлиши муносабати билан Тошкентдаги Бенъков номли республика тасвирий санъат коллежида кўргазма очилди.

НОЁБ ЭКСПОНАТЛАР

ЎЗИНИНГ 90 ЙИЛЛИК САНАСИГА КАТТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРАЛГАН МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ НОЁБ ЎҚУВ ЖИҲОЗЛАРИГА БОЙ. УЛАР ОРАСИДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ТАШКИЛ ТОПГАН ЎША ДАСТЛАБКИ ЙИЛЛАРДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА ФОЙДАЛАНИЛГАН НОДИР ҚУРИЛМАЛАР ҲАМ БОР.

Юбилей муносабати билан ушбу турли кўргазмали ўқув қуроллари жамламасидан иборат алоҳида экспозиция тайёрланди. «Искра» электрон хисоблаш машинаси, микроскоплар диққатни ўзига тортади. Ўтган асрнинг йигирманчи йилларида Москвадан олиб келинган тарихий Эдисон фонографи асбоби ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Ақбар АЛИЕВ

Анжуманлар

«ВАТАН, ДЎСТЛИК ВА ХАЛҚПАРВАРЛИК УЧУН»

шиори остида шаҳар «Камалак» болалар ташкилотининг аънанавий VII анжумани бўлиб ўтди

МАНА БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ КЕНГАШИ ҲОМИЙЛИГИДАГИ «КАМАЛАК» БОЛАЛАР ТАШКИЛОТИ ПОЙТАХТ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ «КАМАЛАК» САРДОРЛАРИ ИШТИРОКИДА АНЪАНАВИЙ АНЖУМАНЛАРНИ ЎТКАЗИБ КЕЛАДИ.

Айнан бу йил ҳам аънанани давом эттирган ҳолда «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш, болаларда ташаббускорлик, тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ҳар томонлама соғлом авлодининг камол топишига ҳисса қўиш, Сардор, Етакчилар Кенгашининг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо бериш ва ташкилотнинг кейинги фаолиятини белгилашда уларнинг фикрлари билан ўртоқлашиш, пойтахт умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳаси ўқувчиларини бирлаштириш, 2007-2008 ўқув йилининг энг фаол сардорларини тақдирлаш мақсадида «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун» шiori остида «Камалак» болалар ташкилотининг аънанавий VII анжумани бўлиб ўтди.

Мустиқлик майдонидаги «Мустиқлик ва эзгулик» аркаси ҳамда «Мотамсаро она хайкали» пойига гул қўйиш билан бошланган ушбу тадбир Ўзбекистон Давлат консерваториясида давом этди. Унда Тошкент шаҳрининг барча туманларидаги Сардорлар ва Етакчилар Кенгаши аъзолари, мактаб «Камалот», «Камалак» сардорлари ва фаоллар, академик лицей ва касб-хунар коллеж-

лари Етакчилар Кенгаши аъзолари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этдилар.

Ушбу тадбирда «Камалак» болалар ташкилоти сардорлари «Йилнинг энг тарғиботчи сардори», «Йилнинг энг яхши ташкилотчи сардори», «Йилнинг энг ташаббускор сардори», «Йилнинг энг изланувчан сардори», «Йилнинг энг яхши «Камалак» сардори», ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳаси етакчилари учун «Йилнинг энг ташкилотчи етакчиси», «Йилнинг энг ташаббускор етакчиси», «Йилнинг энг яхши «Камалот» етакчиси» каби номинациялар бўйича туман «Камалак» болалар ташкилоти раислари тақдирланди. Шунингдек, фаолларга «Йилнинг энг тарғиботчи «Камалак» болалар ташкилоти раиси», «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлари», «Ёшлар боғининг меҳридарё боғбонлари» каби қатор номинациялар бўйича «Камалот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)
СУРАТДАРДА: «Камалак» болалар ташкилотининг VII анжуманидан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар



Сўз — ёшларга

ЎЗ ИҚТИДОРЛИМИЗНИ НАМОЁН ЭТАМИЗ

Жамшид ИСЛОМОВ,
Жаҳон иқтисодийети ва дипломатия университетининг Халқаро муносабатлар факультети 4-курс талабаси, «Камалот» ЕИХ етакчиси:
— Давлатимиз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг биринчи навбатда ёшларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратилди.

Жорий йилимизнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ҳам ёшларга ишбатур эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир. Барча соҳаларда ёшларга катта имкониятлар яратилган. Иқтидорли талабаларнинг ўзларини кўрсатишлари учун «Камалот» ЕИХ томонидан ўтказилиб туриладиган «Камалот» гранти, стипендиялар ва ҳар бир йўналиш бўйича ташкил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, спорт ва соғломлаштириш мажмуаларидаги мусобақалар шулар жумласидандир.

Шунингдек, талабалар турли ўқув қўлланмалари, зарур жиҳозлар, замонавий электрон кутубхоналар билан таъминланган бўлиб, илмий-амалий анжуманлар ҳамда мутахассисликка йўналтирилган тўғрақ марказлари фаолияти йўлга қўйилган. Яратилган шарт-шароитлар албатта ёшларни жисмонан ва маънан соғлом бўлиб воғяга етишига хизмат қилмоқда.

Сардор МАҲКАМОВ,
«Камалот» ЕИХ Марказий кенгаши «Сардорлар мактаб»нинг раҳбари, «Камалот» стипендиясининг 2006 йилги совриндори ҳамда 2007 йил шаҳар касабга уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг талабалар стипендияси совриндори:
— Ортбосимизнинг бизга бўлган ишончларини оқлайдиган вақт келди. Жаҳон даврасида биз ёшлар учун барча эшиклар очилмоқда, тахсил олишимиз учун чет элга чиқиш имкониятлари яратилмоқда.

Сафимиздан буюк аждодларимиз Бегуний, Амир Темиур, Форобий каби етук инсонлар чиқишига асло шубҳа йўқ. Президентимизнинг «Бутун Ўзбекистон ўғул-қизлари, менинг фарзандларим», деган сўзларига муносиб инсонлар бўлишимиз керак.

Мансур ОМОНОВ эъиб олди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан барча умумий ўрта таълим муассасаларида «Оталар мажлиси»нинг ўтказилиши ҳаммамани ҳайрон қолдирган бўлса ажаб эмас. Нега «Оталар мажлиси»? Унда фақат оталар қатнашишининг сабаби нима?

Мақтабларда аънанга айланган отаналар мажлисида қатнашувчиларнинг кўп миқдорини оналар ташкил этади. Сабаби, оналарнинг ақсари янги вақтларнинг уйда, фарзандлар тарбиясига сарф қиладилар. Шу боси ота-оналар мажлисларига бориш оналар зиммасига кўпроқ юклатилади. Аммо оталарнинг вазифаси, асосан, оиланинг моддий томонлари тўғрисида қайғуриш ҳисобланса, бу улар фарзандларга тарбия беришдан озодлар, дегани эмас. Уларнинг бола тарбияси олдида ўрни ва масъулияти жуда катта ва ўзгача. Бироқ маълум бўлишича оталарнинг бу жараёндаги иштироки жуда сўз экан. Шу боси «Оталар мажлиси» деб ном олган тадбирнинг мақсади умумий ўрта таълим муассасаларининг оталар билан ҳамкорлигини янада қучайтириш ва бола тарбияси учун уларнинг ўрни муҳим эканлигини оталарга тушуништириш иборат эди.

Биз Собир Раҳимов туманидаги 261-умумтаълим мактабидаги ўқув жараёни билан яқиндан танишдик.

— Мақтабимизда 936 нафар ўқувчи тахсил олади, — дейди мактаб раҳбари Муҳаммадали Рустамов. — Болаларнинг тарбияси ва таълим олишида оталар ва оналарнинг назорати ва ёрдами жуда зарур. Ва бундай бўлмаган ҳолларда ўқувчилар тарбияси ва ўқишида, маданиятида пасайиш содир бўлади. Ахир ёш авлодининг жисмонан соғлом ва маънан баркамол бўлиб воғяга етиши йўлида Президентимиз бошчилигида, қолаверса Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»-ги Қонуни ҳамда «2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури тўғрисида»-ги қарори асосида шу вақтгача жуда

Ибратли ташаббус

ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

БОЛАНING МАКТАБ ОСТОНАСИГА ҚАДАМ ҚЎЙИШИ, ЭРКИНЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ ПОФОНАСИГА КЎТАРИЛИШИ ДЕМАКДИР. ШУ САБАБ, ЭНДИ УНИНГ ҲАЁТИДА НАЗОРАТ КЎЧАРИШ БОРАДИ. АММО БАЪЗАН БУ НАЗОРАТ БИР ТОМОННИНГ ЗИММАСИГА ЮКЛАНИБ ҚОЛАДИ. ЯЪНИ, КЎПИНЧА МАКТАБНИНГ ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ БЕРИШ, НАЗОРАТ ҚИЛИШ, ЖАВОБГАР БЎЛИШ КАБИ ВАЗИФАЛАРНИ БИР ЎЗИ БАЖАРИШИГА ТЎҒРИ КЕЛЯПТИ. ЧУНКИ БАЪЗИ ОТА-ОНАЛАР БУ ЖАРАЁННИ МУТЛАҚО МАКТАБГА АЛОҚАДОР, ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИЛАР.

катта санъ-ҳаракатлар амалга оширилди. Жаҳон андозалари даражасида олий ўқув юртлилари, касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактаблари кад ростилади.

Шунинг учун ҳам мактабимизда «Оталар мажлиси» суҳбат кўринишида ўтказилди. Унда кўпгина тақдирлар, муаммолар ўртага ташланди. Ёши улуг оталардан бири сўзга чиқиб, ҳаёт ташвишлари билан бунақ ҳаётда, ҳақиқатдан фарзандлари тарбиясига ороқ бефарқ бўлиб қолганларини, бугунги тадбирдан тўри хулоса чиқариб олишларини айтиб ўтди. Демак, ҳамма оталар ҳам бола тарбиясига бефарқ эмас экан.

— Тадбир бекзига ташкил қилинмади, — дед сўзини давом эттирадди директор. — Биз, аввало, мажлисда уларнинг иштирокидан хурсанд бўлдик. Сабаби, мажлислардан доим вақт кизғонадиган оталар, бу сафарги дам олиш кунларида ҳам фаол қатнашмайдилар, деб ўйлагандим. Аммо, бундай бўлмади. Оталар томонидан тарбияга кўпроқ аҳамият бериш керак. Айнисига, бугун ўқувчиларнинг тарбиясига салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлашга фақат мактаб маъмуриятининг уринишлари етарли эмас. Болаларни гиёвандликдан, эгри йўللар, ёт гоёллар, тарбиясини бузувчи фильмлар, вақтинан ўйрайдиган компьютер ўйинларидан ҳимоялаш керак. Фақатгина уни моддий таъминлашнинг ўзи кифоя қилмайди. Оталар уларга маънавий озиқ беришлари, ҳаётда фарзандлари учун идеал шахсга айланмишлари, бўш вақтларини умумий ўтказишлари учун шароит яратиш беришлари, ўқув-тарбиявий ишлардаги фаолиятини назорат қилишлари керак. Токи, болалар ҳамиша ҳам ота, ҳам она томонидан маънавий эътиборга сазовор эканлигини ҳис қилиб яшасин.

Шу ўринда айтиб ўтмоқчи эдикки, фақат ота-оналар эмас, устоз-мураббий, маҳалла, жамоатчилик, барчамиз ёшлар тарбиясига масъулмиз. Чунки, бугун уларга берилаётган таълим-тарбия, кўникма, маданият, масъуллиқнинг меваларидан эрта-тава авалло ўзимиз баҳраманд бўламиз, яъни, қомил инсонлар ютуғидан қувонсак, ҳаётда адашган ўсимир-ёшдан дилми-миз оғрийдил, жамият завол кўради, ота-онанинг юзи шубув бўлади. Шунинг учун ҳам бугун талабчан бўлмоғимиз, тарбия беришда оқсамаслигимиз керак.

Зарифа РАВШАНОВА,
Азиза МУҲАМЕДОВА



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

АМИР ХУСРАВ ДЕХЛАВИЙ

ХИКМАТЛАР

Қанчаларки гунча айламади ноз,
Очилгани қайта ёпилмади боз.

Ёндирмоқни пеша айлагач бир шам,
Ёндирмоққа қодир юз чирокни ҳам.

Ё беҳуда кетсин йўғу боримиз,
Ё муродга етсин дўсту ёримиз.

Бадном яшагандан минг марта афзал,
Муродга етмайин маҳв этса ажал.

Нечун кўр бўлмасин мардумсиз дийда,
Қандай расволикдир пардасиз хона.

Бахт тожи болқиса кимнинг бошида,
Ҳар эшик очикдир унинг қошида.

Нурдан кўп товланиб турса-да биллур,
Дур ўрнин босолмас товласа ҳам нур.

Тана кетар охир, бору йўқ тамом,
Бахтлидир ҳар кимдан қолса яхши ном.

Бу эски оламда айлагил бунёд,
Бир нарсаки, халқинг этсин сени ёд.

Кимнинг яхши номи қолса ёдгор,
Арзир бу дунёдан кетса бахтиёр.

Кимда тамиз камдир ва одамлик кам,
Ўлим мисолидир тирикликда ҳам.

Шундайни ёр этки, сенга жон бўлсин,
Ҳар нафаси умри жовидон бўлсин.

Гулфурӯшга хушдир бўстону гулзор,
Ўтинфурӯш кўнглин хушлар тиканзор.

Ҳаётда қолдирса ким абадий ном,
Энг бахтли одам шу, хулласи калом.

Кимданки ёмонлик кўрди одамод,
Яхши номи ахир бўлади барбод.

Занги тани мисли қаро лой эрур,
Онаси наздида тўлун ой эрур.

Гавҳаршунослик қилган кўр банда,
Қийслаш чоғи бўлур шарманда.

Иш бўлса гар ўз қўлида,
Халқ илгарилар эди йўлинда.

Осон эмас тушмак дадил изига,
Қийин тик қарамоқ шернинг юзига.

Дема мингни жангда кириб ташлайин,
Қани биттага жон беру мард дейин.

Ўзинга раво кўрмасанг наштари,
Кўтарма қилич ўзга боши сари.

Одамликдан шон кучар одам,
Одам сониди-ку йўқса барча ҳам.

Ҳеч ким кўтарилиб бўлмас раҳбар,
Агар у бўлмас раиятпарвар.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси
жамоаси кўмитанинг бош мутахассиси, катта давлат но-
зири

Лидия Георгиевна ГОРСКАЯнинг
вафот этганини муносабати билан марҳуманинг қарин-
дош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-506

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ТАЙЁРГАРЛИК — МУҲИМ ОМИЛ

МАЪЛУМКИ, ТАБИИЙ ОФАТЛАР ИЧИДА ЗИЛЗИЛА КИШИ ОНГИДА ВАҲИМА ВА ҚЎРҚУВ ҲИССИНИ УЙҒОТУВЧИ СИРАСИГА КИРАДИ. ЮРТИМИЗ ҲУДУДИНИНГ СЕЙСМИК ФАОЛ МИНТАҚАДА ЖОЙЛАШГАНЛИГИ БОИС ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ХИЗМАТЛАРИ ШАЙЛИГНИ ОШИРИШ, ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ЧОГИДА ФУҚАРОЛАРНИ ТЎҒРИ ҲАРАКАТ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ МАСАЛАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАҚОЗО ЭТИЛАДИ.

Яқинда Учтепа тумани ҳудудида жойлашган 18-сонли автосарой ҳудудида автосани-тар отрядларнинг кўргазмалли махсус-тактик ўқув машқининг «Тошкент шаҳри ҳудудида кучли (8-9 балли) зилзила содир бўлганда унинг оқибатларини бартараф этишда автосани-тар отрядларнинг ҳаракати» мавзусида ўтказилган айнан юқорида таъкидланган маса-лаларга қаратилди. Шу ўринда маъмур махсус-тактик ўқув машқини бундай кенг қўла-да биринчи бор ўтказилганлигини эъти-роф этиш жоиз. Чунинчи, ушбу ўқув машқи-га Сергей туманида жойлашган 12-сонли, Собир Раҳимов туманидаги 3-сонли автоса-ройларда мавжуд бўлган автосани-тар отряд-лар билан бирга «Тошшаҳартрансизмат» уюшмаси, Тошкент шаҳар Фавқулодда вази-ятлар, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш бош бошқармалари, пойтахт Қизил Ярим Ой жа-мияти, Тошкент шаҳар ва туман Фуқаро му-ҳофазаси хизматлари, шунингдек, Халқ таъ-лими бош бошқармаси, шаҳар ва туман «Ма-ҳалла» жамағатлари, корхона, ташкилот, ўқув муассасалари, иктисодиёт объектилари бошқарув органи таркиби жалб этилди.

Кўргазмалли махсус-тактик ўқув машқи ол-дидан саф кўриги ўтказилди ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — «Тошша-

ҳартрансизмат» уюшмаси бошқаруви раиси Ш.Мухаммаджонов, Тошкент шаҳар Фа-вқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи пол-ковник Э. Икромов ва Учтепа туман ҳокими Ш. Мухамеджоновлар томонидан ўқув машқ олди йўриқномаси ўтказилди. Полковник Э. Икромов иштирокчиларга автосани-тар отряд-ларининг моҳияти, уларнинг ҳаракати ҳамда махсус-тактик ўқув машқининг мақсад-вази-фалари тўғрисида батафсил маълумот бер-ди.

Ўқув машқи сценарийига асосан пойтахт ҳудудида содир бўлган кучли (8-9 балли) зилзила оқибатида турар жойлар вайронга айланган ва биринчи галдаги вазифа вайро-налар орасида қолган кишиларни кутқариш ва уларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш-дан иборат бўлди. Ушбу бирламчи ҳаракат-ларни Фавқулодда вазиятлар бошқармаси-нинг Авария-қутқарув отряди ва Тошкент ша-ҳар ҳокимлиги тасарруфидаги 050 «Қутқа-рув хизмати»нинг 15 нафар ҳарбий хизмат-чилари, 7 нафар мутахассислари, 40 нафар кутқарувчилари, 7 та махсус жиҳозланган ав-туовларни, пойтахт Қизил Ярим Ой жамаи-ятининг санитар дружиначилари билан бирга амалга оширилди. Қутқарув ишларининг олиб борилиши ва жабрланганларга тиббий

ёрдам кўрсатилиши жараёни кизгин паллага кириши билан йўл ҳаракати хав-фсизлиги назорати автосани-тар отряд-лари билан бирга автосани-тар отряд-лар фавқулодда вазиятлар ўқоғига етиб келдилар. Шу ўринда кутқарувчилар ва санитар дружиначиларнинг биргалик-да ҳаракат қилишлари ҳамда жабрлан-ганларнинг махсус жиҳозланган авто-бусларга жойлаштирилиши, ҳаракатлар давомида ҳар бир иштирокчи то-қитилган вазифа ва аниқ бажариши ку-затуви-ларда яхши таассурот қолдир-ди.

Тошкент шаҳар Солиглиқни сақлаш бош бошқармаси — тиббий хизмати то-монидан ташкил этилган шошилинч ёрдам отряди жабрланганларга дала шаро-итида биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш ҳаракатларини намойиш этдилар. Маъмур ўқув машқида жами бўлиб 510 нафар хо-дими-лар ва 78 та автотехника воситалари иш-тирок этди.

Кўргазмалли махсус-тактик ўқув машқи я-ни бўйича Тошкент шаҳар ва туман Фуқаро муҳофазаси хизматлари ҳамда автосани-тар отрядлари фавқулодда вазиятлар оқибатла-рини бартараф этишга «тайёр» деб баҳола-



нишида тадбирда фаол иштирок этган му-тасадди ташкилотлар, Тошкент шаҳар ва ту-ман Фуқаро муҳофазаси хизматларининг ҳамда 3, 12, 18-сонли автобус саройлари ишчи ва хизматчиларининг улкан ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қобилжон ТУРСУНОВ,

Тошкент шаҳар

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси

бошлиғи

ўринбосари, подполковник

Футбол



ПЕШҚАДАМЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНИШДИ

НИҲОЯТ, БУТУН КУРРАИ ЗАМИНДАГИ ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ОРЗИҚИБ КУТГАН ДАМЛАР ЕТИБ КЕЛДИ. ЎТТАН КУНИ ШВЕЙЦАРИЯНИНГ БАЗЕЛЬ ШАҲРИДАГИ «СЕНТ ЯКОБС ПАРК» СТАДИОНИДА НУФУЗИ ЖИҲАТИДАН ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДАН КЕЙИНДА ТУРУВЧИ ХАЛҚАРО ТУРНИР — ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛ БОСҚИЧИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Қизиги шундаки, XIII Европа че-мпионатининг ишқибозлар билан-лик тўла 45 минг кишилик стади-ондаги тантанали очилиш мароси-ми ҳам айнан 13 дақиқа давом этди. Осмонга минглаб шарлар учирди, бетакор мушаққозлик бўлди. Шундай қилиб, илк ўйинда майдонга мезбонлар — Швейца-рия терма жамоаси ҳамда Чехия футболчилари тушди. Таъкидлаш жоизки, чех футболчилари турнир-да Поборски, Расицки, Недведь каби етакчи ўйинчиларсиз тўп су-раётган бўлса-да, бироқ барбери тажриба ва маҳорат бобида улар рақибларидан қучиқроқ эдилар.

Шундай бўлса-да, майдонда де-ярли тенг ўйин кечди ва чемпионат-нинг илк голини ишқибозлар анча узок қутишларига тўғри келди. Ик-кинчи бўлимининг 70-дақиқасида химоячилар томонидан нотўғри қайтарилган тўпни чехлар рақиб жа-рим майдончасига оширишди. Чап қанотдан ҳужумга ташланган Вачлав Сверкошнинг зарбаси аниқ бўлди — 1:0. Ўйин охиригача майдон эгалари суръатини анча оши-ришган бўлса-да, бироқ уларнинг ҳужумлари самара бермади.

Швейцарияда ўтказилган иккин-чи ўйинда майдонга анча кучли жа-моалар — Португалия ва Туркия футболчилари тушди. Португа-лияликлар таркибиде бугунги кун-

даги жаҳоннинг энг кучли футбол-чиси Криштиан Роналду тўп су-рганлигини ҳисобга оладиган бўлсақ, уларнинг ғалаба қозониш-га бўлган имкониятлари қанчалик юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Шу кун майдонга бешта ярим химоячи ва битта ҳужумчи билан тушган португалияликларнинг қўлланган тактикалари ўз самара-сини берди. Туркияликлар Ронал-дуни деярли «жиловлаб» қўйишга муваффақ бўлдилар. Фақат 1-тай-мининг охириларида Роналду тен-ган аниқ ва кучли жарима тўпини рақиблар дарвозабони қандайдир мўъжиза билан ушлаб қолди.

Ушбу ўйинда ҳам беллашув тақ-дири 2-бўлимда ҳал бўлди. Пор-тугалияликларнинг йиғинчоқлик билан уюштирган икки ҳужумлари муваффақиятли яқунланди, улар 2:0 ҳисобида ғалаба қозондилар.

Кеча Европа чемпионатининг Австриядаги ўйинлари бўлиб ўтди. Дастлаб Венадаги «Эрнст Халпел» номидаги стадионга мезбонлар — Австрия ҳамда Хорватия терма жа-моалари тушишди. Бу гал ҳам баҳс деярли биринчи ўйиндаги каби «сценарий» асосида кечди десак адашмаймиз. Бу гал ягона гол ўйин бошланishiда киритил-ди. Яъни 4-дақиқада хорватлар чап қанотдан уюштирган ҳужумни май-

дон эгалари кўполлик қилиб тўхтат-дилар ва белгиланган 11 метрлик жарима тўпини Лука Модрич аниқ бажаргани ҳолда ҳисобни очди — 1:0.

Биринчи бўлим деярли тенг ку-рашлар остида кечди. Бироқ 2-бўлимда австрияликлар ҳужумга зўр бериб, кўплаб хавфли вазият-ларни юзага келтирдилар. Лекин хорватлар дарвозабони беҳато ўйнаб, бир неча қудал вазият-ларда дарвозаси даҳлсизлигини сақлаб қола олди. Ҳатто ўйин охи-рида қўшиб берилган уч дақиқа ичида Австрия ҳужумчиси Р.Канас-нинг боши билан берган чиройли зарбаси ҳам дарвоза тўсинининг ёнгинасидан ўтиб кетгани ҳолда, натижа бермади.

Ниҳоят кеча охириги ўйинда яшил майдонга турнир етакчилари-дан бири — Германия термаси ҳамда жаҳон чемпионатининг икки қарра брэнча нишонларини қўлга киритган бўлса-да, Европа чемпи-онатининг дебютанти Польша фут-болчилари тушди. Ушбу ўйин асо-сан немислар устунлиги остида ўтди ва улар 2:0 ҳисобида ғала-ба қозондилар.

Шундай қилиб, Европа чемпио-натининг мезбонлар иштирокида ўтган дастлабки ҳар иккала ўй-инида ҳам майдон эгалари кичик ҳисобда мағлубият алламинчи тот-ган бўлсалар, икки кучли жамоа 2:0 ҳисобидаги бир хил ғалабага эришди.

Бугун Руминия — Франция ва Голландия—Италия жамоалари ўртасида беллашувлар бўлиб ўтади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ЎТГАН КУНИ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ «МҲСҚ» СТАДИОНИГА ИЙГИЛГАН МИНГЛАБ МУХЛИСЛАР 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА УЮШТИРИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИ УЧИНЧИ БОСҚИЧИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН—СИНГАПУР ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ГУРУҲ БАҲСИГА ГУВОҲ БЎЛИШДИ.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сингапурда ўтказилган даст-лабки учрашувда ажойиб ўйин намойиш этиб мезбонлар устидан 7:3 ҳисобида ғалаба қозонган ҳамюртларимиз амалда саралаш тур-нирининг кейинги босқич масаласини ҳал қилишган, Тошкентдаги беллашувда ҳатто дураник натижа ҳам Рауф Инилеев шоғирдларини қаноатлантирар эди. Шу боисми, бош мураббий Тошкентдаги бел-лашувга Копадзе, Сунонов, Иномов, Хайдаров, Ашурматов сингари етакчи ўйинчиларни туширмадикка, аксинча бошқа футболчилар-нинг маҳоратини ҳам синовдан ўтказишга қарор қилди. Шу кун майдонга Жўраев, Алиқуллов, Исмоилов, Николаев, Гофуров (Ко-падзе), Жепаров, Иброҳимов (Денисов), Аҳмедов, Карпенко, Ша-цки, З.Тожиев (Гейрих) каби футболчилар тушишди. Эътиборли жиҳати шундаки, сафарда ҳужумкор ўйин намойиш этиб ишонли ютққа эришган терма жамоамизни бу сафар омад тарк этдимиз, ўйин сира қовушмади. Аксинча, меҳмонлар ўзбекистонликларга қарши тенгма-тенг кураш олиб боришди. Ҳатто тез-тез Жўраев дарвозаси олдида хавфли вазиятлар меҳмонлар томонидан содир этилганлиги мутахассислару мухлисларни ҳайратга солгани аниқ. Хуллас, биринчи бўлимда дарвозалар даҳлсизлиги сақланиб қолди.

Иккинчи бўлимда Инилеев Копадзе, Денисов, Гейрихларни майд-онга туширди. Бу ўз самарасини берди. Бир неча бор Карпенко, Жепаров, З.Тожиев, Аҳмедовлар гол киритиш имкониятига эга бўлишди. Бироқ, омад улҳадан юз ўтгирди. Зайинддин Тожиев ўрнига майдонга тушган Гейрих ҳамюртларимизга муҳим уч очкони тақ-дим этган ягона голни учрашув якунланишига 10-15 дақиқалар қолганида дарвозага йўллашга муваффақ бўлди.

Ушбу гуруҳдаги Ливан—Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасидаги баҳсда саудияликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди ва турнир жадвалида иккинчи погонани банд этишди.

Биз кўп минг сонли мухлислар Инилеев шоғирдларини мудар-тидан аввал кейинги босқичга йўлланма олганликлари билан муба-ракбод этамиз. Уларга ҳал қилувчи туртинчи босқичда ҳам чиройли ғалабалар тилаб қоламиз.

Энди жаҳон чемпионатида саралаш турнири учинчи босқичининг навбатдаги гуруҳ баҳслари 14 июнда бўлиб ўтади. Унда терма жа-моамиз аъзолари яна Тошкентда ливанлик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушишади.

(Ўз муҳбиримиз)

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ томонидан 2008 йил 27 июнь кун соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар қайтадан қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Юнусobod тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2008 йил 21 январдаги 2082-сонли ижро ҳужжатига асосан тақ-дим этилган Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 3-мавзесида жойлашган «Шахстрасн хизмат» 80-сонли авто-уовлар тураргоҳида сақланаётган, давлат рақами 30 R1110 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес Бенц-Е-200» русумли ав-тотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 60 000 000 сўм.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойга чиқиб кўриш мумкин. Савдода қат-наши учун харидорлар тўлов ҳуж-жатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилгани ҳолда объект бошланғич баҳоси-нинг 10 фоиз микдориде закалат пулини Ўзбекистон банклари ас-социациясининг «Универсал бир-жа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» мени банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, х/р 20208000804234776001 тўлаш-ла-

ри ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва за-калат пуллари қабул қилиш, сав-доддан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юза-сидан қуйидаги манзилга муража-ат қилишини мумкин: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хў-жаев, 1. Тел: 238-69-94, 238-69-93. Лицензия DB001-000010.

Шунингдек, «Тошкент оқшоми» газетасининг 2008 йил 29 майдаги 102-сониде Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал бир-жа маркази» МЧЖ томонидан эълон қилинган Тошкент шаҳри, С.Раҳи-мов тумани Сағбон 30-тор кўчаси 8-уй манзилдаги «Тотозе» МЧЖга тегишли ум.майдони 1687 кв.м. бўлган икки қаватли бино ҳамда вафли махсулоти ва шоколад гла-зури ишлаб чиқариш ускунаси аук-цион савдолариде олинганлигини маълум қиламиз.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде 2008 йил 15 июль кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиغان очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Сергелу тумани суд ижрочили-ри бўлими томонидан Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 08.01.2008 йилдаги 10-07130/8345-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергелу тумани А.Ахматов кўчаси 22-уйда сақланаётган, «ОДА3-9370» русумли, д/р ТН 39-71 бўлган, 1991 йилда и/ч тиркама, техни-ка воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 486 000 сўм.

Техника воситаси билан тушун ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион сав-досида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳо-сининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. МФО:00901, ИНН 200933850, х/р 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т. М.Ўраз-боев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52 www.rkmb.uz

Ҳамза тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 3-уй, 7-квар-тирада жойлашган, 2006 йил 27 февралда Ҳамза тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан № 000917-07 ИНН-204838902 реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган «AR-RASHID-BIZNES» масъулияти чекланган жамияти тугатилади.
Давволар 2 ой давомида 779-18-20 телефони ор-қали қабул қилинади

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Телефонлар: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3350 нусхада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефони га муражаат қилишини мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва сақланади.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқсони. Корхона манзили: «Буғу Турон» кўчаси, 41-уй. 1 3 4 5 6

Топширилган вақти: 14.29